



2018 йил 31 май

№ РС-32-18

Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида ахборот хавфсизлигига таҳдидларни мақбул даражада камайтириш, Олий суд ва қуйи судларнинг телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимларининг барқарор ва хавфсиз ишлашини, қонунчилик, шунингдек меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва суд ходимларига қулай ҳамда хавфсиз муҳит яратиш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳамда жойлардаги судларнинг ушбу соҳага масъул ходимлари ўз иш фаолиятини мазкур Низом талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ташкиллаштирсин.

3. Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очиллов) тасдиқланган режа асосида видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда мазкур Низом мазмун ва моҳияти юзасидан судья ва суд ходимларига ўқув-семинар машғулотларини ташкил этсин.

4. Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, жойлардаги судлар раислари мазкур Низом талабларига судья ва суд ходимлари томонидан тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш ҳамда ахборот хавфсизлигига таҳдидларни мақбул даражада камайтириш чораларини кўрсинлар.

5. Мазкур қарор Олий суд таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ва улар орқали барча туманлараро, туман (шаҳар) судларига ижро учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси


К.Камилов

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида ахборот
хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда ахборот ресурсларидан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом Олий суд ва қуйи судларнинг барча судья ва суд ходимларига қўлланилади. Низом, шунингдек Олий суд ахборот ресурсларига қонуний кириш имкониятига эга бўлган ташқи ташриф буюрувчиларга (техник қўллаб-қувватлаш ходимлари ва бошқаларга) ҳам қўлланилади.

3. Ахборот хавфсизлиги уч асосий таркибий қисмлардан иборат:

а) махфийлик: махфий ахборотни рухсатсиз ошкор қилиш ёки қўлга киритишдан ҳимоя қилиш;

б) яхлитлик: ахборот ва компьютер дастурларининг аниқлиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

в) фойдаланиш имконияти: маълумот ёки ресурсларнинг фойдаланувчилар сўровига кўра очик ва яроқлик ҳолатида бўлиши.

II. Асосий тушунчалар

4. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

ахборот ресурси - ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

ахборот тизими - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

идентификация – объектга ноёб идентификатор бериш жараёни;

аутентификация – фойдаланувчини, дастурни, қурилмани ёки маълумотларни ҳақиқийлигини аниқлаш тартиби;

бузувчилар – хатолик туфайли, билмаслик ёки билиб туриб ёмон мақсадда (ғараз мақсадда) ёки бошқа мақсадларда (ўйин ёки завқ учун ва ҳ.к.) тақиқланган операцияларни (ҳаракатларни) бажаришга уринишни амалга оширган шахслар;

иш станцияси – ходимнинг иш жойи сифатида тўлиқ жиҳозланган компьютер ёки компьютер терминали ҳисобланади.

III. Мақсад ва вазифалар

5. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– ахборот хавфсизлигига таҳдидларни мақбул даражада камайтириш;

– Олий суднинг телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимларининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш;

– қуйи судларнинг телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимларининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш;

– ахборот ресурсларини рухсатсиз чиқиб кетишини, ўғирланишини, йўқотилишини, нотўғри талқин қилинишини, блокировкалашни, сохталаштириш ва рухсат берилмаган бошқа ҳаракатларни амалга оширилишини олдини олиш;

– қонунчилик талабларига, меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

– ходимларга қулай ва хавфсиз муҳит яратиш.

6. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ахборот ресурсларини таснифлаш ва уларни назорат қилиш;

– ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан Олий суднинг ахборот тармоғида фойдаланиладиган ахборот технологиялари учун ягона талабларни ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан қуйи судларнинг ахборот тармоғида фойдаланиладиган ахборот технологиялари учун ягона талабларни ишлаб чиқиш;

– тармоқ ахборот ресурслари, воситалари, телекоммуникация тизимлари, компьютерлари ва аппарат ускуналар хавфсизлигини таъминлаш.

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги устидан доимий назоратни амалга ошириш.

IV. Ҳимоя қилиш объектлари

8. Олий суднинг асосий ахборот хавфсизлиги объектлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот тизимларини ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчи Олий суд ходимлари;
- ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, тизим ҳужжатлари, ўқув материаллари ва бошқалар;
- дастурий таъминот ресурслари – операцион тизимлари ва амалиёт дастури, ишлаб чиқиш воситалари, сервер иловалари ва хизматлари;
- жисмоний ресурслар-компьютер ва ахборот-коммуникация ускуналари, ахборот ташувчилар ва бошқалар.

9. Қўйи судларнинг асосий ахборот хавфсизлиги объектлари қуйидагилардан иборат:

- қўйи суд ходимлари;
- ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, ўқув материаллари ва бошқалар;
- дастурий таъминот ресурслари – операцион тизимлари ва амалиёт дастури;
- жисмоний ресурслар – компьютер ва ахборот-коммуникация ускуналари, ахборот ташувчилар ва бошқалар.

V. Ахборот хавфсизлиги таҳдиди хавфи ва турлари

10. Ахборот хавфсизлигини зарур даражасини аниқлаш мақсадида, хавфни таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш зарур. Хавфлар хавфсизликка таҳдид қилувчи ҳолатлар юзага келган вазиятларда зарар етказиш эҳтимоли ва зарарнинг миқдори билан белгиланади.

11. Тармоқнинг ахборот ресурслари учун хавфлироқ (сезиларлироқ) бўлган таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- тармоқни қисман ёки бутунлай ишдан чиқаришга, унинг аппарат, дастурий ва ахборот ресурсларини (ускуналарни ишдан чиқиши, муҳим маълумотларни ўз ичига олган файлларни нотўғри талқин қилиш, ўчириб ташлаш) ишдан чиқаришга олиб келувчи ҳаракатлар;

- ускуналарни белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолда ўчириш;
- электрон ахборот ташувчиларга зарар етказиш ёки уларни қасддан ишдан чиқариш;

- ҳисобга олинмаган дастурларни (ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлмаган ўйин, ўргатувчи, технологик ва бошқа дастурлар) ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва улардан фойдаланиш;

- тармоқни ёки шахсий компьютерни вирус билан зарарлаш.

Хавфни таҳлил қилиш, мавжуд хавфни ва уни ҳажмини аниқлашдан иборат.

12. Бошқа ишчи ёки ташқи ташкилот ходимлари устидан хавфсизликни бошқариш воситалари етарли даражада таъминланмаганлиги натижасида ахборотлар хавфсизлиги хавфи юзага келиши мумкин.

Шу сабабли бошқа ишчи ёки ташқи ташкилот ходимларига ахборотни қайта ишлаш воситаларидан фойдаланишни бошқариш воситаларини қўллаш лозим. Масалан, агар ахборотни махфийлигини сақлаш учун алоҳида эҳтиёж мавжуд бўлса, ошкор этмаслик тўғрисида битим тузиш лозим.

12. Бошқарув воситалари турли ташқи ташкилотлар билан тузилган битимларни тавсифлайди, жумладан:

- интернет тармоғи провайдерлари, телефон хизматлари, операцион ва техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш каби хизмат кўрсатувчилар билан;

- аппарат ускуналар ва дастурий таъминотларни қўллаб-қувватлаш ходимлари билан;

- фаррошлар, қўриқлаш, ошхона ва бошқа хўжалик хизматлари ходимлари билан;

- вақтинчалик ишчилар, жалб қилинган шахслар ва бошқалар билан.

Ушбу битимлар ташқи ташкилотлар билан боғлиқ хавфни камайтиришни таъминлайди.

VI. Ахборот хавфсизлигини бузувчилар турлари

13. Ахборот хавфсизлигини бузувчилар икки турга: ички ва ташқи бузувчиларга бўлинади.

14. Ички бузувчилар:

- рўйхатдан ўтган Олий суд ва куйи суд ахборот тизими фойдаланувчилари;

- фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтмаган, ахборот ресурслари тизимидан фойдаланишга рухсат этилмаган, лекин бино ва хоналарга кириш ҳуқуқига эга бўлган Олий суд ва қуйи суд ходимлари;
 - Олий суд ва қуйи судларнинг корпоратив ахборот тизими воситаларига техник хизмат кўрсатувчи ходимлар;
 - Олий суд ва қуйи судларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ходимлар;
 - турли даражадаги раҳбарлар.
15. Ташқи бузувчилар:
- Олий суд ва қуйи судларнинг собиқ ходимлари;
 - Олий суд ва қуйи суд биносига ташриф буюрувчилар;
 - Олий суд ва қуйи судларнинг корпоратив ахборот тизимига ташқи телекоммуникация тармоқлари орқали тасодифан ёки қасддан уланган шахслар (хакерлар).

VII. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари

16. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёни маълумотлар яратилишини, уларни киритилишини, қайта ишланишини ва чиқарилишини ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига олади. Ахборот хавфсизлигининг мақсади ахборотларни яхлитлигини ва аниқлигини ҳимоя қилиш ва ахборотга зарар етказилган ҳолларда зарарланиш даражасини камайтиришдан иборат.

17. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ахборотлардан фойдаланиш қоидаларини, ахборотни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади.

18. Олий суд ва қуйи суд ходимлари Олий суд ва қуйи судларнинг махфий (конфиденциал) маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни ошкор этмасликлари ҳақида огоҳлантирилишлари шарт.

19. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий чоралари Олий суд Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (бундан буён матнда АКТБ деб юритилади) ва ахборот хавфсизлигига масъул бўлган ходими томонидан амалга оширилади.

20. Олий суд ахборот тизимига киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар АКТБ масъул ходими билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

21. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник чоралари–ахборот ресурслари ва тизимларини самарали ҳимоя қилиш учун тармоқ ресурсларига киришни назорат қилиш орқали амалга оширилади.

22. Ахборот тизимлари қуйидагиларни таъминлайди:

- фойдаланувчиларни рўйхатга олишни;
- фойдаланувчиларни идентификация ва уларни аутентификация қилиш;
- паролларни бошқариш;
- ходисалар журналинини юритиш.

23. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг жисмоний хавфсизлик чораси – Олий суд ресурсларига киришни ва унга зиён етказилишини олдини олишдан иборат. Жисмоний хавфсизликни таъминлашнинг аниқ тартиби Олий суд ва қуйи судларнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жумладан, Олий суд раисининг буйруғига кўра, Олий суд биносига мобиль телекоммуникация ускуналарини олиб кириш тақиқланади (Олий суд раиси томонидан рухсат этилган ҳолатлар бундан мустасно).

VIII. Ахборот хавфсизлиги ходисаларига муносабат билдириш

24. Ахборот хавфсизлиги бузилиши ходисаси оқибатида етказиладиган зарар ҳажмини камайтиришга эришиш учун ходисага муносабат билдириш тадбирларини амалга ошириш зарур.

25. Ҳодиса ҳақида имкон қадар тезкорлик билан раҳбариятни белгиланган тартибда хабардор қилиш шарт.

26. Барча ахборот хизматлари фойдаланувчилари тизим ва хизматларда сезилган хавфсизликка хавф солувчи тахминий таҳдидларга ёки камчиликларга эътибор беришлари ҳамда таркибий тузилма раҳбарини ва АКТБ масъул ходимини хабардор қилишлари шарт.

27. Фойдаланувчилар ҳар қандай вазиятда ҳам хавфсизлик тизимидаги шубҳали носозликлар ёки камчиликлар тасдиғини мустақил равишда изламаслиги керак.

28. Ваколатга эга бўлмаган фойдаланувчилар шубҳали дастурий таъминотларни ўз ташаббуслари билан ўчириб ташлашга уринмасликлари керак.

29. Ишдан чиқиш оқибатлари тегишли равишда фақат АКТБ масъул ходими томонидан бартараф этилади.

IX. Масъулларни белгилаш

30. Ходимларга хизмат вазифаларини бажариш учун бириктирилган иш станцияси хавфсизлигига, мазкур иш станцияси бириктирилган ходимнинг ўзи масъул ҳисобланади.

31. Локал серверлар хавфсизлиги ва бошқа муҳим ахборот ресурслари ҳамда чекловлар мавжуд бўлган тизимлар учун АКТБ масъул ходими масъул ҳисобланади.

32. Алоҳида ресурслар учун масъуллар Олий суд таркибий тузилмалари ходимларининг вазифалар тақсимоотида белгилаб қўйилиши лозим.

33. Олий суд ва қуйи суд ходимлари томонидан компьютер ва ахборот тизимидан хизмат вазифалари доирасига кирмайдиган мақсадларда фойдаланаётганликларига шубҳа туғилган ҳолларда, Олий суд раҳбарияти томонидан тасдиқланган ходимлардан таркиб топган комиссия томонидан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

X. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Низом талабларига амал қилинмаган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.